

НУРИДДИНОВ Хожнакбар

Ўзбекистон халқаро ислом академи
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳаркафедраси
ўқитувчиси
E-mail:hojiakbar8228@gmail.com

АРАБ АДАБИЙ ТИЛИДА МАСДАРЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

ПРОИСХОЖДЕНИЕ МАСДАРОВ В АРАБСКОМ ЛИТЕРАТУРНОМ ЯЗЫКЕ

ORIGIN OF MASDARS IN THE ARABIC LITERARY LANGUAGE

Аннотация: Араб тилида I боб феъли ва турли боблардан ясалувчи масдарлар формалари ҳақида жамлаб маълумот тўплаш, бир марталик ҳаракат номи ёки мутлақ масдарларни билиш ва қайси маънода ишлатилаётганига қараб тўғри қўллаш, масдарларнинг гапда бажарадиган вазифаларини билиш араб тилидаги билимларимизнинг кўрсаткичларидан бири бўлади.

Калит сўз ва иборалар: Масдар, мозий, музориъ, фоил, мафъул, амр, нафий ва наҳий.

Аннотация: Одним из показателей нашего знания арабского языка является сбор информации о глаголах главы I в арабском языке и формах масдаров, составленных из разных глав, знание названия отдельного действия или абсолютных масдаров и их употребление. правильно в зависимости от их значения.

Ключевые слова: масдар, мади, мудари, фаил, мафъул, амр, нафи и нахи.

Abstract: One of the indicators of our knowledge of the Arabic language is the collection of information about the verbs of chapter I in Arabic and the forms of masdars made up of different chapters, the knowledge of the name of a single action or absolute masdars and their use. correct according to their meaning.

Key words: masdar, madi, mudari, fail, maf'ul, amr, nafi and nahi.

Кириш

Ҳаракат номи араб тилида **المَصْدَرُ** масдар дейилади ва феълдаги маънони шахс ва сондан, замондан ва жинсдан холи ҳолда ифодалайди.

У ўзбек тилидаги “ўқиш”, “ёзиш”, “йигирув”, “тўқув” каби шаклларга мос келади.

Демак, масдар – бу феълдан ясалган от бўлиб, ҳаракат номини билдиради. Масалан:

قَرَأَ (а) ўқимоқ → قِرَاءَةٌ ўқиш

مَشَى (и) юрмоқ → مَشًى юриш

اِسْتَمَعَ эшитмоқ → اِسْتِمَاعٌ эшитиш

Ҳаракат номи ҳам араб тилида маълум вазнга эга. Уч ўзакли феълларнинг масдарлари бир неча вазнларда ҳосил бўлади. Масалан: سَرَقَ (и) ўғирламоқ → سَرَقَةٌ ўғирлик (ўғирлаш) (فَعْلَةٌ) вазнида ясалган)

دَخَلَ (у) кирмоқ → دُخُولٌ кириш (فُعُولٌ) вазнида ясалган)

ضَرَبَ (и) урмоқ → ضَرْبٌ уриш (فَعْلٌ) вазнида ясалган)

غَلَى (и) қайнамоқ → غَلْيَانٌ қайнаш (فَعْلَانٌ) вазнида ясалган)

عَلِمَ (а) билмоқ → عِلْمٌ билиш (فِعْلٌ) вазнида ясалган)

Масдар бу феълнинг асли бўлиб, ўзбек тилидаги ҳаракат номига мос келади. Ибн Моликнинг таъбири билан айтганда “масдар – бу феълнинг семантикасига эга бўлиб, вақтнинг маъносини англатмайдиган исмдир”. Маҳмуд Замахшарий ўз асарида: “Феъллар масдардан ҳосил қилинади, масалан: ضرب-ضرب урмоқ-уриш; قَتَلَ-قَتَلَ ўлдирмоқ – ўлдириш”, деб тушунтирса, “Ал-Унмузж фи-н-наҳв” асарида [04-116] فالمصدر هو الاسم الذي يشتق منه الفعل ويعمل عمل فعله نحو: عَجِبْتُ من ضرب زيد عمرا ومن ضرب عمر زيد - Масдар - исм бўлиб, ундан феъл ясалади. У феъл бажарган вазифани бажаради, масалан: عَجِبْتُ من ضرب عمر زيد ёки عَجِبْتُ من ضرب زيد عمرا - “Мен Зайднинг Амрни урганидан ҳайрон бўлдим” гапидаги “ضرب” сўзи масдардир, деб баённи кенгайтирган.

“Феъл вазифасини бажарадиган, аммо феълларга хос бўлган замон, шахс, майл, даража каби хусусиятлардан холи бўлган исм масдардир”, [12-253] – дейди Б.М.Гранде.

Асосий қисм

Араб тилида феълларнинг ҳосила бобларидан масдарлар махсус вазнларда ясалади. Замахшарий бу ҳақда: Бошқа боблардан (масдар) عَرَشَ الرَّاكِبِ ва أَكْرَوْتُهُ اِكْرَامَةً

تعریشه ва ابتسمت ابتسامه тарзида ҳосил қилинади. Масдар гоҳида ҳосила бобларнинг мажҳул даража сифатдоши вазнида келади, масалан: مدخل , المخرج , المشرح, مضطرب-ضطر; ابتطلب-تطلب; ركبة, جلسة, حسنة, تناول-تناول. Шунингдек, جلوس, قعدة шаклида ҳам келади. Булар ҳам маъносидаги ҳаракат номларининг кўринишидир. افعال бобининг масдари افعال қолипида ясалади [04-117].

Масдарлар араб тилида жуда кенг қўлланилиши ва феълларнинг барча туридан ҳосил қилиш мумкинлиги боис Замахшарий нотўғри феъллардан масдар ясалишини тушунтиради: «Ажваф феълларнинг масдари اثابة- اغائة вазнида ясалади, масалан: اغائة. Агар феъл فعل бобида бўлса, масдари تفعلة вазнида ясалади. Агар феъл охири ҳамза ёки иллатли ҳарф бўлса, кўпроқ تفعلة вазнида келади, масалан: هناه تهنة - «уни яхши табриклади», رباه تربية - «уни яхши тарбиялади».

تفعل ва تفعل бобларининг масдарлари تفعل ва تفعل қолипида ясалади. Агар бу боблардаги феъл ноқис феъл бўлса қуйидагича бўлади: تأتى. تأتيا، ترجى ترجيا، ترائى-ترائيا، تناحى- تنحيا.

Замахшарийнинг мазкур фикрлари ҳозирги замон тилшуносларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Биламизки, уч ўзакли феълларда масдарнинг у ёки бу вазнини танлаш катъий қоида асосида белгиланмайди, шу сабабли масдарни феъл билан бирга қўшиб ёдлаш лозим. Луғатларда ҳар бир I боб феълидан кейин ўзак феълнинг масдари ёзиб қўйилган бўлиб, шу луғат орқалигина масдарнинг вазнини билиб олиш мумкин.

Масдардан қуйидаги 12 турдаги сўзлар ҳосил бўлади: [01-79]

№	Номи	Ўзбекча ата-маси	ضَرْبُ مِيسُولِي	Маъноси
1	Мозий	ўтган замон феъли	ضَرْبُ	урди (у) ўтган замонда
2	Музориъ	ҳозирги ва келаси замон феъли	يَضْرِبُ	уради (у) келаси замонда
3	Исми фойил	иш-ҳаракатни бажарувчиси (аниқ нисбат сифатдоши)	ضَارِبُ	урувчи

4	Исми мафъул	амалга оширилаётган иш-ҳаракат (мажҳул нисбат сифатдоши)	مَضْرُوبٌ	урилган, яъни калтак еган одам
5	Жаҳд	ўтган замон инкор феъли	لَمْ يَضْرِبْ	урмади (у ўтган замонда)
6	Нафий	келаси замон инкор феъли	لَا يَضْرِبُ	урмайди (у келаси замонда)
7	Амр	буйруқ майли	اِضْرِبْ	(амр ҳозир, буйруқ майли иккинчи шахсга қарата) – ур (сен, бирлик музаккар)
			لِيَضْرِبْ	(амр ғойб, буйруқ майли учинчи ёки биринчи шахсга қарата) – майли (у) урсин
8	Наҳий	буйруқ майлидаги инкор	لَا تَضْرِبْ	урма (сен, бирлик музаккар)
9	Исми замон	(иш-ҳаракат бажарилган) вақт номи	مَضْرُوبٌ	уриш вақти
10	Исми макон	(иш-ҳаракат бажарилган) жой номи	مَضْرُوبٌ	уриш жойи
11	Исми олат	(иш-ҳаракат бажарилган) қурол номи	مِضْرَابٌ	уриш қуроли
12	Исму тафдийл	ҳаракатни кўп бажарувчи	أَضْرَبَ	кўп урувчи

Уч ўзакли феълларнинг 1-бобидан масдар ҳосил қилишини кузатамиз: Уч ўзакли 1-боб ўтган замон феълида ع ҳарфининг ҳаракати фатҳа бўлиб ҳозирги-келаси замонда эса у касра билан ҳаракатланган бўлса: فَعَلٌ يَفْعُلٌ каби мазкур боб феълларининг масдари 11 та вазнга эга бўлади:

Вазн	Мисол	Маъно
فَعَلٌ	ضَرْبٌ	Урмоқ

فَعَّلَ	كَذَّبَ	Алдамоқ
فَعَّلَ	نَبَّحَ	Акилламоқ
فَعَّلَ	هُدَى	Ҳидоятга бошламоқ
فَعَّلَ	قَضَاءَ	Ҳукм чиқармоқ
فَعَّلَ	صَرَفَ	Алмаштирмоқ
فَعَّلَ	جَلَسَ	Ўтирмоқ
فَعَّلَ	غَلَبَ	Ғалаба қозонмоқ
فَعَّلَ	جَمَاعَةَ	Ҳимоя қилмоқ
فَعَّلَ	لَوْنًا	Букмоқ
فَعَّلَ	غُفْرَانًا	Кечирмоқ

فَعَّلَ вазнидаги тўғри феълларга мисол қилиб **ضَرَبَ** - **يَضْرِبُ** масдар – **ضَرَبَ** ни кўрсатиш мумкин.

فَعَّلَ вазнидаги иккиланган феълларни кузатадиган бўлсак, улардан масдарлар қуйидагича бўлади:

فَرَّ масдар **فِرَارًا** қочмоқ. Масдардан 12 хил сўз шакли ҳосил бўлади :

1) فَرَّ - мадий	7) فِرَّ - амр ҳозир
2) يُفِرُّ - мудариъ	8) لَيُفِرُّ - амр ғоиб
3) فَارَّ - исми фойил	9) لَا تَفِرُّ - нахий
4) مَفْرُورٌ - исми мафъул	10) مَفْرُورٌ исми замон исми макон
5) لَمْ يَفِرَّ - жаҳд	11) مَفْرَارٌ – исми олат
6) لَا يَفِرُّ - нафий	12) أَفَرُّ – исми тафзил

فَعَّلَ вазнидаги тўғрига ўхшаш (о) феъллардан:

يَتَّبَعُ масдар: **وَتَّبَعْتُ** и **وَتَّبَعْتُ** - сакрамоқ, қўнмоқ, ўтирмоқ. Бу вазнда тўғрига ўхшаш феълдан (о)ни тушириб қолдириш мумкин. Шунингдек масдардан (о) ни тушириб қолдириш ва охирига (ё)ни қўшиш мумкин.

فَعَّلَ вазнидаги тўғрига ўхшаш (о) феъллар:

يَسَّرَ масдар – **مَيْسَرَةً** –ўйнамоқ (пулга қимор ўйнамоқ).

فَعَّلَ вазнидаги бўш феъллар:

بَاعَ масдар – **بَيْعٌ** и **بَيْعٌ** - сотмоқ, сотиб олмоқ.

فَعَّلَ вазнидаги ноқис (етишмовчи) феъллар:

رَمَى масдар **رَمَايَةً** и **رَمَى** отмоқ.

فَعَّلَ вазнидаги лафиф феъллар:

رَوَايَةً – ҳикоя **رَوَى** масдар **رَوَى** и **رَوَى** қилмоқ, гапириб бермоқ, хабар бермоқ,

فَعَّلَ вазнидаги мултавий феъллар:

وَحَى масдар **وَحَى** – хабар бермоқ, сирни очмоқ,

Уч ўзакли феълларнинг биринчи боби ўтган замонда иккинчи ўзак ҳарф фатҳа, ҳозирги-келаси замонда эса дамма ҳаракатига эга бўлса **فَعَّلَ** каби, унинг масдарлари 15 та қолипга эга (16- қолип - **فَعَالَةً** – таржимон изоҳи: [01-91])

Қолип	Мисол	Маъно
فَعَّلَ	نَصَرَ	Ёрдам бермоқ
فَعَّلَ	فَسَقَ	Гуноҳ қилмоқ
فَعَّلَ	شَكَرَ	Миннатдор бўлмоқ
فَعَّلَ	طَلَبَ	Талаб қилмоқ
فَعَّلَ	خَنَقَ	Бўғмоқ
فَعَّلَ	نَبَاتَ	Ўсмоқ
فَعَّلَ	كَتَابَ	Ёзмақ
فَعَّلَ	صَرَّاحَ	Бақирмоқ
فَعَّلَ	ذَكَرَى	Эслатмоқ
فَعَّلَ	بَشَّرَى	Хурсанд бўлмоқ
فَعَّلَ	خَرُوجَ	Чикмоқ
فَعَّلَ	ثَبَتَهُ	Қидирмоқ
فَعَّلَ	دَعَا	Чақирмоқ
فَعَّلَ	جَرَّاسَةً	Сақламоқ
فَعَّلَ	كَيْمَانًا	Бекирмоқ
فَعَّلَ	كَفَالَةً	Кафолат бермоқ

فَعَّلَ вазнидаги тўғри феъллар:

نَصَرَ масдар **نَصْرًا** ёрдам бермоқ, ҳада этмоқ, ғалаба

Ҳозирги-келаси замон:

رَدَّ масдар **رَدًّا** –қайтармоқ, эътироз билдирмоқ.

Тўғрига ўхшаш феъллар (о):

وَدَّ масдар **وَدًّا** –севмоқ.

Иштиқок сўзининг луғавий маъноси – шаклланиш (формирование). Маъно ва ҳарфлари жиҳатидан ўхшаш бўлган бир сўздан иккинчи сўзнинг шаклланишига **иштиқок** дейилади. Исм икки турга бўлинади: 1) Исми жамид (ўзгармайдиган) ва 2) исми масдар.

Ўзгармас сўздан ҳеч нарса шаклланмайди. Масалан, *مَسْرُوفٌ* киши (эркак) и *مَسْرُوفٌ* от. Исмо масдардан эса маълум миқдорда сўз ясалади. (Масдарнинг аналог сифатида феълдан ясалган от ва феълнинг ноаниқ ҳолати – инфинитивни олиш мумкин) *مَسْرُوفٌ* урмоқ, уриш, зарбалар, *مَسْرُوفٌ* ўлдирмоқ, қотиллик.)

Араб тилшунослиги тарихида Басра ва Куфа тилшунослик мактаблари асл иштиқоқ феълми, ёки масдар эканлиги борасида баҳслашадилар. Бу мунозара “Ал-инсоф” асарининг 1-жилдида «*القول في أصل الاشتقاق، الفعل هو أو المصدر؟*» (Асл иштиқоқ ҳақидаги сўз, у феълми ёки масдарми?) номли мавзуси билан 28-рақам остидаги масала сифатида келтирилади.

Авваламбор бу мавзудаги “иштиқоқ” сўзининг маъносига эътибор бериб ўтсак.

Араб тилида “иштиқоқ” – «*اشتقاق*» сўзи луғавий жиҳатдан “яратиш”, “келиб чиқиш”, грамматикада эса “этимология”, “сўз яшаш (яратиш)” каби маъноларни ўзида мужассам этади. [09-430]

Этимология эса сўзларнинг келиб чиқишини, манбаини ўрганадиган тилшуносликнинг бир бўлимидир. [10-61]

Мавзуга қайтадиган бўлсак, куфаликлар масдар феълдан иштиқоқ қилинган, у феълнинг ҳосиласидир, деб *ضَرْبٌ ضَرْبًا* (урмоқ), *قَامَ* “кабиларни мисол килиб келтиришади. Басраликлар эса бунинг акси ўлароқ феъл масдардан иштиқоқ қилинган ва у масдарнинг ҳосиласи, деган фикрни илгари сурадилар.

Куфаликлар ҳужжат сифатида ўз фикрларини қуйидагича изоҳлашади: “Биз масдар феълдан иштиқоқ қилинган дедик. Чунки феъл солим бўлса, унинг масдари ҳам солим бўлади, аксинча феъл иллатли бўлса, масдар ҳам иллатли бўлади. Масалан, *قَامَ قَوْمًا* дейилганда феъл солим бўлганлиги учун масдар ҳам солим бўляпти. *قَامَ قِيَامًا* дейилганда эса феъл иллатли бўлганлиги учун масдар ҳам иллатли бўляпти. Агар феъл солим бўлганда масдар ҳам солим бўлиб, феъл иллатли бўлганда масдар ҳам иллатли бўлар экан, демак масдар феълдан келиб чиққан, унинг ҳосиласидир”.

Куфаликлардан қуйидаги фикрни маҳкам ушлаганлари ҳам бўлган: “Масдар феълдан иштиқоқ қилинганлигига далил шуки, феъл масдарга ўз таъсирини ўтказади. Ахир ўзларингиз *ضَرْبٌ ضَرْبًا* деганингизда *ضَرْبًا* сўзини

ضَرْبٌ феълнинг таъсирида тушум келишигида ўқийсизлар. Шундай экан, масдар феълдан келтириб чиқарилган, унинг ҳосиласи бўлиши керак. Чунки таъсир қилувчи (омил)нинг ўрни таъсирга учраган сўз (маъмул)нинг ўрнидан олдин келади. Шу жиҳатдан масдар феълдан иштиқоқ қилинган унинг ҳосиласи бўлиши керак. [15-126]

“Ал-инсоф” муаллифи Камолуддин Аби-л-Баракот ал-Анбарий куфаликларнинг келтирган мазкур далилларини таҳлил қилиб, унга шундай эътироз билдиради: “Биз (наҳвшунослар) ҳарф туркумидаги сўзлар (предлоглар) ва феъллар исмларга таъсир қилишига ижмоъ қилганмиз. Ҳарфлар (яъни предлоглар) ва феъллар исмларнинг асли эмас, яъни исмлар ҳарфлар ва феъллардан иштиқоқ қилиниб олинмаган”. [15-209]

Бироз мушоҳада килиб кўрадиган бўлсак, Ал-Анбарийнинг юқоридаги гапи қанчалар мантикий асосга эга эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Куфаликлар таъсирга учраган сўз (маъмул) таъсир қилувчи (омил) дан иштиқоқ қилинади, келтириб чиқарилади, деган фикрни илгари сурмоқдалар. Араб тили грамматикасининг ҳарф сўз туркумидаги предлогларни оладиган бўлсак, улар исмларга ўзларининг таъсирини ўтказади. Агар куфаликларнинг фикрларига қўшиладиган бўлсак, предлогларнинг таъсирига учраган исмлар уларга таъсир қилувчи омиллар – предлоглардан келтириб чиқарилган, деган маъно келиб чиқади. Бу эса мантикка тўғри келмайди. Чунки исмлар билан предлогларнинг аслияти, ўзаги тамоман бошқа-бошқадир. Исмларга таъсир қилувчи феъллар олиб қаралганда ҳам худди шу ҳолатга гувоҳ бўламиз.

Куфаликларнинг баъзилари ўз фикрларига шундай далил келтиришади: “Масдар феълдан ясалганлигига далил шуки, у феълни таъкидлаш учун қўлланилади. Гапда таъкидланмишнинг ўрни таъкидловчидан олдин келишига шак-шубҳа йўқ. Шунга кўра феъл аслдир, масдар эса ундан келтириб чиқарилгандир.” Бу фикрни қўллаб-қувватловчи куфаликлар: “Биз шундай феълларни топиб берамизки (хусусан сизлар асл деб ҳисоблаётган масдарга қарши), у феълларнинг умуман масдари йўқ” – деб қуйидаги феълларни мисол килиб келтиришади:

حَبْدُ، بُسْنُ، نَعْمُ мақтов феъллари, таажжубни ифодаловчи أَفْعَلُ феъли ва عَسَى، لَيْسَ каби ёрдамчи феъллар. [15-206]

Куфаликлар аслиятсиз ундан бирор нарса келтириб чиқарилмайди, агар масдар келтириб чиқарилган бўлак бўлганида эди, унда юқоридаги феъллардан холи бўлмас эди, мазкур феълларнинг масдари йўқ экан, демас масдар асл эмас, балки феълдан келтириб чиқарилган ҳосилалар, деб қарашади.

Куфаликларнинг “Масдар феълни таъкидлаш учун келтирилади, таъкидланмишнинг ўрни доим таъкидловчидан олдин бўлади”—деган гапларига ал-Анбарий шундай раддия билдиради: “Уларнинг айтаётганлари ҳам аслият ёки ҳосилани аниқламайди. Мисол қилиб оладиган бўлсак, جَاءَنِي زَيْدٌ (Менинг олдимга Зайд келди, Зайд), رَأَيْتُ زَيْدًا (Мен Зайдни кўрдим, Зайдни) ёки مَرَرْتُ بِزَيْدٍ (Мен Зайднинг, Зайднинг ёнидан ўтдим) жумлаларидаги иккинчи “Зайд” сўзи биринчи “Зайд”га таъкидловчи бўляпти. Бироқ иккинчиси биринчисидан иштиқоқ қилинган, биринчиси иккинчисининг ҳосиласи дейишлик хатодир”. [15-208]

Куфалик тилшуносларнинг баъзилари ўз фикрларида қаттиқ туриб дейишадики: “Масдар феълдан келтириб чиқарилганлигига далил шуки, жумладаги иш-ҳаракатни бажарувчи (эга)нинг иш ҳаракати (феъли) бўлмай туриб, масдарнинг маъносини тасаввур қилиб бўлмайди, масдар феъл билан маълум бўлади. Бас шундай экан, феъл масдарнинг аслидир”. [15-206]

Куфаликлар ўз фикрларига шу тарика асослашга уринганларидан кейин басраликлар ўзларининг сўзларига далилларини келтирадилар.

Басраликларнинг фикрича, масдар феълнинг аслидир, яъни феъл масдардан келтириб чиқарилади. Масдар ҳар учта замондан (ўтган, ҳозирги ва келаси замон) бирига далолат қилиши мумкин. Феъл эса муайян битта замонга далолат қилади. Мутлоқ (замони эркин бўлган) сўз (замони) чекланган сўзнинг асли бўлганидек, масдар ҳам феълнинг аслидир.

Уларнинг баъзилари айтадиларки: “Масдар феълнинг асоси, ўзаги эканлигига далил шуки, масдар исмдир. Исм эса феълга эҳтиёж

сезмасдан ёлғиз ўзи қўлланилиши мумкин. Бироқ феълнинг доим исмга эҳтиёжи бўлади ва ўзи ёлғиз келмайди. Ўзидан бошқасига эҳтиёж сезмайдиган нарса бошқа нарсага эҳтиёжманд, ёлғиз ўзи қўлланилмайдиган нарсадан кўра асос, ўзак бўлишга ҳақлироқдир”.

Басраликларнинг яна баъзилари: “Феъл ўз хусусиятига кўра икки нарсага: иш-ҳаракат ва маълум бир замонга далолат қилади. Масдар эса ўз хусусиятига кўра битта нарсага—иш-ҳаракатга далолат қилади. Бир иккиннинг ўзаги, асли бўлганидек, масдар ҳам феълнинг аслидир”—деган фикрни илгари сурадилар.

Басра тилшуносларининг яна бир гуруҳи ўз фикрларини ҳимоя қилиб дейдиларки: “Масдар ўзининг “масдар” (манба, ўзак) деб номланишидан ҳам у феълнинг асли эканлиги маълум бўлади. Дарҳақиқат “масдар” ҳар нарсанинг келтириб чиқариладиган ўрнидир. Шунинг учун ҳам туялар чиқариб юбориладиган жой “масдар” деб номланган. Модомики, иш-ҳаракат номи “масдар” (манба, ўзак) деб номланар экан, у феълнинг асли, феъл эса ундан иштиқоқ қилинганлиги аниқдир”. [15-208]

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, “асл иштиқоқ феълми ёки масдар?” мавзусидаги икки мактаб ўртасидаги муноҳасали масала шу зайлда кечади. Юқорида келтириб ўтилганидек, бу масалада “Ал-инсоф” асарининг муаллифи Камолуддин Аби-л-Баракот ал-Анборий ҳам куфаликларнинг келтирган далилларини заиф ҳисоблаб, уларнинг фикрларига асосли равишда жавоб келтиради ва бу билан басраликларга ён босганлигини намоён қилади. Ҳозирда мавжуд бўлган замонавий наҳв ва сарф илмига оид асарларни олиб қарайдиган бўлинса, уларда ҳам асл иштиқоқ масдар эканлиги таъкидланади. Жумладан, Ҳифни Носиф ва бошқа муаллифларнинг «الدروس النحوية» (Наҳв дарслари) китобида шундай дейилади: «أصل: المشتقات كلها المصدر» (Иштиқоқ қилинадиган барча сўзларнинг асли масдардир). [15-381]

Бу мавзу борасида рус ва ўзбек арабшуносларининг фикрлари араб наҳвшуносларининг фикрларидан фарқ қилади. Яъни масдар феълдан келтириб чиқарилади деган фикрни билдирадилар. Жумладан Б.М. Грандининг “Курс арабской грамматики в

сравнительно-историческом освещении” асарида ясама сўзлар иккига бўлинишни келтириб ўтади. Улар: а) феъл ўзагидан ясалган отлар ва б) от ва сифатлардан ясалган отлар. Феъл ўзагидан ясалган отларга бир марталик ҳаракат номи, иш ҳаракат тарзини ифодаловчи исмлар, замон ва макон номлари ва қурол отлари билан бир қаторда иш-ҳаракат номи – масдарларни ҳам киритади. Бундан масдар феълдан ясалади, деган фикр англашилади. [12-253] Арабшунос олим Б.М.Гранде шунинг билан бирга асл араб манбаларида сўзларнинг асл ўзаги масдар деб келтирилганлигини ҳам таъкидлаб ўтади [12-186].

Араб тилшунослигида асл иштиқоқ масаласидаги қуйидаги фикр бор: Куфаликлар масдар феълдан иштиқоқ қилинган, у феълнинг ҳосиласидир, десалар, басраликлар бунинг акси ўлароқ “феъл масдардан иштиқоқ қилинган ва у масдарнинг ҳосиласидир”, деган фикрни илгари сурадилар. Бу масалада ал-Анбарий басраликларга ён босганлигини намоён қилади. Ҳозирда мавжуд бўлган замонавий наҳв ва сарф илмига оид асл араб манбаларини олиб қарайдиган бўлсак, уларда ҳам асл иштиқоқ масдар эканлиги таъкидланади. Аммо машҳур рус арабшунос олими Б.М.Гранде араб наҳв китобларида асл ўзақ масдар деб эътироф этилишини келтириб ўтади. Шунинг билан бир қаторда у ўз асарида масдар феълдан иштиқоқ қилинганлигини ҳам таъкидлайди. Бу ерда араб ва ажам наҳвшуносларининг фикрлари ўртасида тафовутни кузатиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дўстмуҳаммад Насриддин Бодарий. Мукаммал сарф дарслиги (араб тили сарф фанидан дарслик). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – 162 б.
2. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. I жилд. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этган. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1997. – 453 б.
3. Носирова М.А. Ўрта аср араб наҳвидан намуналар. – Т.: ТошДШИ, 2004.
4. Носирова М.А. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузжа фи-н-наҳв” рисоласи. – Т.: ТДШИ, 2005.
5. Носирова М.А. Араб наҳвидаги бир масала ҳусусида //Адабиёт кўзгуси. – Б.174-176.
6. Талабов Э. Араб тили. – Т.: Ўқитувчи, 1993.
7. Қосимова С.С. Классик араб наҳвидан бошланғич маълумотлар. – Т.: ТДШИ, 2011. – 88 б.
8. Қосимова С.С. Ҳамидуддин Даририйнинг “Мукаддима” асари: матн ва тадқиқ. – Т.: ТДШИ, 2014. – 152 б.
9. Ан-На‘им. Арабча-ўзбекча луғат. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мамадалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
11. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва: Русс. яз., 1985. – 944с.
12. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – Москва, 1998.
13. أبو بكر علي عبد العليم. دروس في الأعراب للطلاب والمعلمين. - القاهرة. 2006
14. أبو بكر علي عبد العليم. مكتبة الأسرة في النحو. - القاهرة. 2006
15. الشيخ الامام كمال الدين أبي البركات عبد الرحمان بن محمد بن أبي سعيد الأنباري. الانصاف في مسائل الخلاف بين الكوفيين و البصريين. الجزء الاول. القاهرة-2005
16. الشيخ مصطفى الغلايين. جامع الدروس العربية. -القاهرة 2003.
17. انطوان الدحداح. معجم لغة المحو العربي. - بيروت 1993. مكتبة الآداب
18. حفني ناصف، محمد دياب، مصطفى طموم، محمد صالح. الدروس النحوية. دار العقيدة. مصر، الإسكندرية-2007
19. الكتاب سيوييه. تحقيق عبد السلام هارون . - بيروت. 2006 . الجزء الثالث
20. محمود الزمخشري. الانموذج في النحو للعلامة الزمخشري. - القاهرة، 1990 .
21. عباس حسن . النحو الوافي. - مصر . 2005 .
22. زكريا تامر . النمر في اليوم العاشر . - القاهرة . 2009 .